

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУХИТНИ  
МУХОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ  
ҚҮМИТАСИ РАЙСИ ЎРИНБОСАРИ

И. БОКИЖОНОВ



« 19 » ноэбр 2021й.

## ДАСТЛАБКИ МАЛАКА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТҮПЛАМИНИ БЕРИШ УЧУН СҮРОВ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МАИШИЙ  
ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ ЛОЙИҲАСИ

Лойиҳа (тендер) номи:

«Бухоро вилоятининг **Ромитан туманида** қаттиқ майший чиқиндиларни тұплаш, олиб  
чиқиши, саралаш ва кайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик  
(ДХШ) шартлари асосида бошқариш»

ДХШ объектининг жойлашуви:

Бухоро вилояти **Ромитан тумани**

Давлат шериги:

Бухоро вилояти ҳокимлиги

Давлат шериги:

Бухоро вилояти экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси

Тендер ташкилотчisi:

Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш

Давлат қўмитаси

Манзил: Тошкент шахри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-уй 100043  
тел: (99871) 207-07-70 (1072#)

Тошкент ш. - 2021 йил октябрь

## 1. Асосий тушунчалар

1. Майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойихаси учун мазкур тендер ҳужжатларида қўйидаги тушунчалар кўлланилади:

- 1) **Давлат-хусусий шериклик** (кейинги ўринларида - ДХШ) – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, ДХШ лойихасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;
- 2) **ДХШ лойихаси** - давлат-хусусий шерикликка асосланган майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойихаси;
- 3) **ДХШ лойихасининг концепцияси** – давлат ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланадиган, ДХШ лойихасини амалга оширишни ҳал этишга доир танловни асослаб берадиган, шунингдек, жалб қилинадиган инвестицияларнинг қайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган концептуал ҳужжат;
- 4) **ДХШ обьекти** – қаттиқ майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ шартлари асосида амалга ошириладиган майший чиқиндиларни тўплаш, олиб чикиш, саралаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма;
- 5) **давлат шериги** – Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва вилоят (туман) ҳокимлиги (кейинги ўринларида – давлат шериги);
- 6) **хусусий шерик** – якка тартибдаги тадбиркор, Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўtkazilgan тадбиркорлик фаолияти субъекти (юридик шахс) ва шундай субъектларнинг бирлашмаси (консорциум);
- 7) **тендер** - ДХШ лойихаси доирасида соддалаштирилган ракобат тартибларидан фойдаланиб хусусий шерикни танлаш бўйича очиқ тендер;
- 8) **дастлабки малакани аниқлаш ҳужжатлари** – дастлабки малакани аниқлаш шартлари ва тартибини аниқлаш учун ишлаб чиқилган ва тендер ташкилотчиси томонидан малака ҳужжатларини тайёрлаш ва ДХШ тендернинг биринчи босқичда қатнашиш учун потенциал хусусий шерикларга тақдим этилган ҳужжатлар;
- 9) **тендер ташкилотчиси** - Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси;
- 10) **тендер комиссия** - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган майший чиқиндиларни тўплаш, олиб чикиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш хукуки бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссияси;
- 11) **мезонлар** – давлат-хусусий шериклик асосида майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойихасининг тендер ҳужжатларида белгиланган танлаш мезонлари;
- 12) **битим** – тендер ташкилотчиси томонидан тендер комиссия қарори асосида тендер ғолиби билан тузиладиган ДХШ асосида майший чиқиндиларни бошқариш тўғрисидаги битим;
- 13) **лоихани баҳолаш ҳужжати** (кейинги ўринларида – ЛБХ) – лойиханинг қийматини ва молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағлар ҳажмини белгилаб берувчи ҳамда асосланган энг мақбул техник-технологик ва лойихани амалга ошириш бўйича ташкилий қарорни қабул қилишни асословчи лойиха ҳужжати;
- 14) **талағор** – ДХШ лойихасини амалга ошириш бўйича қизиқиши билдириган, тендерда иштирок этиш учун дастлабки малака ҳужжатларни ва тендер таклифларни тақдим этган якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки бир

- нечта тадбиркор ва юридик шахс иштирокида тузилган консорциум (оддий шерикчилик);
- 15) **тендер ғолиби** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер жараёни якунлари бўйича ДХШ тўғрисида битим тузиш учун танланган талабгор (хусусий шерик);
- 16) **захирадаги ғолиб** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер ғолибининг тендер таклифидан сўнг энг яхши тендер таклифини берган деб эътироф этилган талабгор (хусусий шерик).
2. Тендер ҳужжатларида қуидаги қисқартмалар қўлланилади:
- 1) **Агентлик** - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридан давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги;
  - 2) **Қонун** - Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги 537-сонли "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида" ги қонуни (кейинги ўринларида – Қонун);
  - 3) **Низом** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сонли "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" қарорига мувофиқ тасдикланган "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом" (кейинги ўринларида – Низом).

## 2. Умумий қоидалар

3. Мазкур дастлабки малака ҳужжатларини тўпламини бериш учун сўров Қонун ва Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.

4. Маший чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш хуқуқига эга бўлиш учун хусусий шерикни танлаш учун мазкур сўров ҳужжати потенциал хусусий тадбиркорларга дастлабки малака босқичида иштирок этиш шартлари хақида маълумот бериш учун мўлжалланган.

5. Талабгорлар ДХШ лойиҳасини амалга оширишдан манфаатдор эканлигини билдириш учун тендерда иштирок этганда қуидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

- ҳуқук лаёкатига эга бўлиши;
- ДХШ тўғрисидаги битимга доир мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган професионал тажрибага, моддий ва техник ресурсларга ҳамда малакали ва тажрибали мутахассиларга эга бўлиши;
- Қонунда белгиланган манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган асосларга эга бўлмаслиги.

Қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган талабгорларнинг тендерда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

6. Дастлабки малакани баҳолаш бўйича асосий маълумотлар 1-иловада келтирилган ҳамда ДХШ лойиҳасини қисқача тавсифи 2-иловада келтирилган.

## 3. Хусусий шерикнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари

7. Хусусий шерик ўз ва қарз маблағлари билан ДХШ лойиҳасини молиялаштириш ва амалга ошириш хуқуқига эга.

8. Тендер ташкилотчиси хусусий шерикка Қонунда назарда тутилмаган малака талабларини қўйишга хақли эмас. Хусусий шерик малака талаблари билан боғлик бўлмаган маълумотларини тақдим этмаслик хуқуқига эга.

9. Талабгорлар дастлабки малакага оид ҳужжатларни тақдим этиш муддати тугагунига қадар тақдим этишлари шарт ва тақдим этиш муддати тугагунига қадар

исталган вақтда дастлабки малакага оид ҳужжатларини ўзgartариши ёки кайтариб олиши мумкин.

10. Хусусий шерик үзининг малака талабларига мувофиқлигини тасдиклаш бўйича тендер ташкилотчиси томонидан белгиланган шакллар бўйича ҳужжатларни ва барча маълумотларни тендер ташкилотчисига тақдим этади.

11. Хусусий шерик малака талабларига мувофиқлиги тўғрисида сохта ва ёлғон маълумотлар тақдим этган тақдирда, суд томонидан адолатсиз хусусий шерик деб тан олинган кундан бошлаб кейинги уч йил давомида ДХШ лойиҳалар бўйича давлат шерикларнинг тендерларида иштирок этиш такикланади.

12. Хусусий шерик томонидан тақдим этиладиган малака тўғрисидаги маълумотларнинг аниқлиги тендернинг исталган босқичида тендер комиссия, тендер ташкилотчиси ёки ваколатли давлат органлари томонидан белгиланиши мумкин.

13. Хусусий шерик томонидан тақдим этиладиган малакага оид сохта ва ёлғон маълумотларни тақдим этилганлиги аниқлаганда тендер комиссияси талабгорни тендердан четлаштиради.

14. Талабгор ўз малакасани ошириш мақсадида консорциум шаклида ушбу тендерда иштироқ этиши мумкин. Бунда консорциумни ташкил этиш асл шартномаси барча аъзолари томонидан имзоланган ва уларнинг вазифалари ва мажбуриятлари кўрсатилган ҳолда тақдим этилиш керак ва шартномада етакчи корхона белгиланиш керак. Шунда етакчи корхона ушбу ҳужжатда кўрсатилган дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун қўйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

- санитар тозалаш соҳага яъни маший чиқиндишларни тўплаш, саралаш, олиб чиқиш ва қайта ишлаш, санитар полигонларда чиқиндишларни саклаш ва утилизация қилишга оид маҳсус тажрибага эга бўлиш (5-илова, А-банди);
- малакага эга бўлган ва санитар тозалаш соҳада ишлаб келган асосий мутахассисларни мавжудлиги (5-илова, Б-банди);
- талабгорнинг юридик ахволи талабларига мувофиқлиги (5-илова Г-банди).

15. Консорциумни етакчи ва қолган аъзоларининг 5-иловада кўрсатилган бошқа мезон ва талабларга нисбатан умумлаштирилган ҳолда баҳоланади.

#### 4. Тендерда иштирок этиш билан боғлиқ чекловлар

16. Талабгорлар қўйидаги ҳолларда тендерда қатнашиш ҳуқукига эга эмас, агар:

- Қонунда белгиланган манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган асослар бўлса, масалан хусусий шерикнинг раҳбарларини ёки таъсисчиларини якин қариндошлари, турмуш ўртоғи ёки қариндошлари ва хусусий шерикнинг ишончли вакиллари тендер бўйича баҳолаш ёки қарор қабул қилиш ҳуқукига эга ёки тендер комиссияси ва ишчи гурух аъзоси бўлса;
- асосий воситалар баланс қийматидан 10 (үн) фоизидан ортиқ бўлган хусусий шерикнинг мулки мусодара қилинган бўлса;
- талабгорлар ижро ҳужжатлари бўйича катта мажбуриятларга эга ва ижро ҳужжатларини ижро этиш учун ваколатли орган томонидан киритилган бўлса;
- талабгорларни картотека №2 ва банк ссудалари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлса;
- талабгорларнинг молиявий-хўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларига мувофик тўхтатилган бўлса.

17. Талабгорлардан ҳеч бири биттадан ортиқ тендер таклифини тақдим этишга ҳакли эмас.

#### 5. Дастлабки малакани баҳолаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

18. ДХШ лойихаси бүйича хусусий шерикни дастлабки малакасини баҳолаш учун талабгорлар 3 ва 4-иловаларда талаб қилинган маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар билан тақдим этадилар.

19. Талабгорлар консорциум шаклида иштирок этаётган бўлса, консорциумнинг барча аъзолари ўз малакасини намойиш қилиш учун 3 ва 4-иловаларда талаб қилинган маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар билан тақдим этадилар.

20. Консорциумнинг барча аъзолари номидан тегишли ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда уларнинг манфаатларини тендерда ҳимоя қилиш ваколати етакчи компанияга юклаганигини тасдиқловчи хужжатнинг (ишончномани) асл нусхаси тақдим этилиш керак.

## 6. Дастлабки малака хужжатларни тақдим этиш тартиби

21. Талабгорларнинг дастлабки малакага оид хужжатлари ушбу сўров хужжатида кўрсатилган тақдим этиш охирги муддатига қадар боғланган ҳолда, ҳар бир вараги рақамланган ва имзоланган ҳолда, охирги варак эса хусусий шерикнинг раҳбари ёки консорциумнинг ишончли шахс имзоси ва корхонани (ёки етакчи корхонани) мухри билан тасдиқланган ҳолда, ёпилган ва муҳрланган ташки конвертда тақдим қилинади.

22. Ташки конвертда қуидаги мухим маълумотлар бўлиши лозим:

- Хусусий шерикнинг (ёки консорциумнинг) тўлиқ номи ва почта манзили (агар консорциум бўлса фақат етакчи компаниянинг почта манзили);
- Тендер ташкилотчисининг тўлиқ номи ва почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ қўчаси 7а-уй, телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#), 2 қават;**
- Тендер номи: «**Бухоро вилояти Ромитан туманида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида башқариш».**

23. Ташки конвертларга солинган дастлабки малакага оид хужжатлар талабгорларнинг раҳбари ёки ишончли вакиллари томонидан тендер ташкилотчисинг манзили бўйича ёки рўйхатга олинган почта орқали тақдим этилади.

24. Тендер ташкилотчиси белгиланган муддатгача тақдим этилган дастлабки малакага оид хужжатларни:

- ўрнатилган тартибда қабул қиласи ва реестрга киритади;
- аввал қабул қилинган хужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар ўрнатилган тартибда қабул қиласи ва реестрга киритади.

25. Хусусий тадбиркорларнинг, яъни талабгорларнинг дастлабки малакага оид хужжатлари рад этилган ҳоллар, қачонки:

- талабгор ушбу ДХШ тендерида қатнашиш учун хужжатларини бошқа талабгор таркибида ҳам тақдим этган бўлса;
- дастлабки малакага оид хужжатлар қабул қилиш охирги муддатидан сўнг тақдим қилинган бўлса.

26. Дастлабки малакага оид хужжатларни қабул қилиш тендер хужжатларида кўрсатилган тартибда ҳамда ҳолларда электрон тарзда амалга оширилиши мумкин.

## 7. Дастлабки малака хужжатларни баҳолаш тартиби

27. Тендер ташкилотчиси дастлабки малака хужжатларни қабул килингандан сүнг тендер комиссиясининг қарорига биноан белгиланган муддат давомида талабгорларнинг дастлабки малака талабларига мувофиқлигини ўрганиш, аниқлаш ва баҳолаш ишларни ташкиллаштиради.

28. Талабгорлар дастлабки малака талабларига мувофиқлиги учун маълумотларни ва тасдиқловчи хужжатларни ушбу сўровда берилган шартларига риоя этмаган ҳолда тақдим этган бўлса, тендер ташкилотчиси мазкур талабгорларни малакасини тақдим этилган маълумотлар ва хужжатлар асосида баҳолаш ҳақли.

29. Дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш мезонлар 5-иловада келтирилган ва тендер ташкилотчиси факат ушбу мезонлар буйича талабгорларни баҳолайди.

30. Бир босқичли<sup>1</sup> тендерда талабгорнинг дастлабки малака баҳолашда тўплаган баллар тендер таклифларини баҳолашда тўплаган балларига қўшилади.

31. Икки босқичли<sup>2</sup> тендерда дастлабки малака босқичидан муваффакиятли ўтган талабгорлар, яъни камида 60 (олтмиш) балл тўплаган талабгорлар, тендер иштирокчиси сифатида эътироф этилади ва уларга тендер таклифларини тақдим этишга доир сўрови ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойихаси юборилади.

32. Икки босқичли тендерда дастлабки малакалашни ўтказиш натижасида камида иккита талабгор малака талабларига мувофиқ бўлиши керак. Акс ҳолда, тендер комиссияси тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва тақрорий тендерни эълон қилишга ҳақли. Тақрорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

33. Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан килган харажатларининг ўрни копланмайди, бир ёки икки босқичли тендер бўлишдан қаттий назар.

<sup>1</sup> Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойихаси буйича бир босқичли тендер ўтказилади.

<sup>2</sup> Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортик бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойихаси буйича икки босқичли тендер ўтказилади.

1-ИЛОВА

**Дастлабки малаканы аниқлаш бөйичи асосий маълумотлар**  
(Уибұ иловда талабгорларға фикат мәтілдеме үчүн берилген, малакага оид ҳужжаттар  
таркыбыда топширилген талаб этилмайды!)

№	Күрсаткыч номи	Маълумотлар
1	Тендер ташкилотчысы	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Манзил: 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-уй Телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#)
2	Дастлабки малака ҳужжатларини түпламины қабул қилиш жойи ва охирги муддати	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-уй Сана: 2021 йил «___» _____ Вакт: 00:00
3	Дастлабки малака ҳужжатларини түпламины ташқи конвертларни очиш жойи, санаси ва вакти	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-уй Сана: 2021 йил «___» _____ Вакт: 00:00
4	Аризани тақдим қиласидиган тили	Ўзбек тили
5	Алоқа, савол ва мурожаат учун маълумотлар	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7а-уй Телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#) Электрон почта: _____
6	Дастлабки малака ҳужжатларини түпламины бериши сўрови бўйича саволлар билан мурожаат қилиш охирги муддати	Дастлабки малака ҳужжатларини түпламины қабул қилиш охирги муддатидан етти (7) кун.
7	Дастлабки малака ҳужжатларини түпламины тақдим этиш шакли ва нусхалар сони	Ёпилган ва муҳрланган ташқи конвертда, қоғоз шаклида, битта (1) асл нусха ва битта (1) нусха.

2-ИЛОВА

**ДХШ лойихасининг қисқача тавсифи**

(Уибұ уловас талабгорларға фасат маълумот учун берилған, малакага оид ҳужжатлар  
таркибида топтырылған талаб этилмайбы!)

№	Күрсаткыч номи	Маълумотлар
1	ДХШ лойихасининг номи	Бухоро вилояти <b>Ромитан туманида</b> қаттк маший чиқиндиларни түплаш, олиб чиқиши, сарапаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш
2	ДХШ объекти	Курилиши ва эксплуатацияси ДХШ лойихаси доирасида амалга ошириладиган Бухоро вилояти <b>Ромитан туманида</b> маший чиқиндиларни йиғиши, олиб ташлаш, сарапаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма
3	ДХШ объектининг жойлашуви	Бухоро вилояти <b>Ромитан тумани</b>
4	ДХШ лойихасини амалга ошириш шартлари ва босқичлари	Битим муддати: 20__ - 20__ йил (10 йил)  Инвестиция киритиш муддати: 20__ - 20__ йил (3 йил)
5	ДХШ лойихаси қиймати	ДХШ лойихасини амалга ошириш учун дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича талаб этиладиган инвестиция миқдори 7 309,5 млн. (млрд.) сўм
6	Харажатларни тиклаш ва даромад олиш манбалари	Қаттиқ маший чиқиндиларни түплаш ва ташиб кетиш хизматлари учун мижёзлар томонидан амалга оширилган тўловлар, ҳамда чиқиндиларни сарапаш ва қайта ишлашдан топилган қўшимча ва бошқа даромадлар
7	Давлат таъминоти турлари ва хажмлари	ДХШ битимига мувофиқ

З-ИЛОВА

Тендер иштирокчиси тұғрисида  
**МА ҒЛУМОТЛАР**

**ЗА: Ұмумий маълумотлар**

Тендер иштирокчисининг тұлық юридик номи (агар консорциум шаклида бўлса, консорциумни барча аъзоларнинг тұлық юридик номи): \_\_\_\_\_

Тендер иштирокчиси (консорциумни етакчи аъзосини) раҳбарининг Ф.И.Ш.: \_\_\_\_\_

Манзил ва телефон/факс рақами: \_\_\_\_\_

Электрон почтаси: \_\_\_\_\_

Юридик мақоми: \_\_\_\_\_

Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами: \_\_\_\_\_

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди буйича): \_\_\_\_\_

Тендер иштирокчи санитар тозалаш соҳага оид бўлган маҳсус тажрибасини қўйдаги жадвалларда маълум қилиши ва тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиш керак:

**1-Жадвал:**

Иштирокчининг маншый чиқиндилярни тұплаш ва олиб чиқиш тажрибаси ҳақида маълумотлар

№	Бириктирилган худуд (шаҳар ёки туман)	Бириктириш учун асос бўлган ҳужжат*		Бириктирилган сана	
		хозирда амалда бўлган ҳужжат*	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат*	хозирда амалда бўлган ҳужжат бўйича	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат бўйича
1					
2					

*Изоҳлар:*

\* - Тегишили ҳудудни бириктириши тұғрисида ваколатли давлат органдарининг қарори ёки Е-ижро аукцион галиби билан түзилган битим нусхалари корхона мұхри билан тасдиқланган (аслига тұғри белгиси билан) ҳолда илова этилиши шарт.

**2-Жадвал:**

Иштирокчининг маншый чиқиндилярни қабул қилиш, саралаш ва қайта ишлаш тажрибаси ҳақида маълумотлар

№	Чиқиндилярни қабул қилиш, саралаш ва (ёки) қайта ишлаш ускуналари жойлашган жойи	Фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжат*		Экологик экспертиза хulosаси	
		хозирда амалда бўлган ҳужжат (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат (берилган вақти ва рақами)	хозирда амалда бўлган ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) ҳужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)
1					
2					

*Изоҳлар:*

\* - Махаллий давлат ҳокимияти ва боиқа ваколатли органдарининг ғурохнома ва (ёки) рухсатномаси тақдим этилади.

**3-Жадвал:**

**Иштирокчининг санитар полигонларда чиқиндиларни сақлаш ва утилизация қилиш тажрибаси**  
**ҳақида маълумотлар**

№	Фаолият амалга ошириладиган чиқинди полигонининг жойлашган жойи*	Фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлган хужжат**		Экологик экспертиза хulosаси	
		ҳозирда амалда бўлган хужжат (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) хужжат (берилган вақти ва рақами)	ҳозирда амалда бўлган хужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) хужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)
1					
2					

*Изоулар:*

\* - Чиқинди полигоннинг жойлашган жойини Google ҳаритаси тақдим этилади.

\*\*- Қайси ваколатли давлат органининг ёки бошқа тегисили ташкилотнинг қарори (ёки бошқа норматив ҳуқуқсатлар ва шартнома) асосида чиқинди полигон бирюзтирилган ёки қўрилган бўлса, ушбу ҳуқуқсатлар илова қилинади.

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) раҳбарини имзоси:

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) мухри:

Тузилган сана: 2021 ийл «\_\_\_\_\_»

**ЗБ: Тендер иштироқчисининг асосий мутахассислари ҳақида маълумотлар**

<b>№</b>	<b>Асосий мутахассис</b>	<b>Ф.И.Ш. ва тугилган санаи</b>	<b>Маълумоти (тадълим муассасаси, мутахассислиги, диплом раками ва берилган санаи)<sup>1</sup></b>	<b>Эгаллаган лавозими<sup>2</sup></b>	<b>Тендер иштироқчиши да эгаллаган лавозимларда иш стажи<sup>3</sup> (йиллар)</b>	<b>Санитар тозалаш ёки лавозим билан боғлик бўлган иш тажрибаси<sup>4</sup> (йиллар)</b>
1	Корхона раҳбари					
2	Транспорт соҳасидаги мухандис					
3	Транспорт соҳасидаги инқисодчи					

*Изоҳлар:*

1-диплом, шаходатнома ва х.к. нусхаси;

2-лавозимга тайинланни ва (ёки) вазифани юклари ҳақидаги буёнук нусхаси;

3-мехнат дафтарчаси нусхаси (иши стажи [www.tuv.tehnmat.uz](http://www.tuv.tehnmat.uz) "Ягона милий меҳнат тизими" идоралараро дастурлий-аннарати комплексига киритилган маълумотлар орқали аниқланади);

4-бониҳа ташкилотларда ишлабган даври бўйича санитар тозалаши соҳасидаги ёки кўрсатилган лавозим бўйича тажрибаси ҳам инобатга олниши сабабли, меҳнат дафтарчасининг тегиси бетларидан нусха тендер иштироқчисининг мухри билан тасдиқланган ҳолда (аслига тўғри белгиси билан) илова қилиниши шарт.

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) раҳбарини имзоси:

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) мухри:

Тузилган сана: 2021 йил «\_\_\_\_\_»

### ЗВ: Тендер иштирокчисини молиявий ахволи тўғрисида асосий кўрсаткичлар

1) Коплаш коэффициенти (тўловга қодирлик коэффициенти) - ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у факат дебиторлар билан ўз вақтида хисобкитоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулаги сотиш шартлари билангира эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайлангидан далолат беради.

Коэффициент куйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$Кпл = \frac{(ТМЗ - НП) + ДЗ + DC}{TO}$$

Бунда:

ТМЗ – товар моддий захиралар (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 140-сатр;  
НП – тугалланмаган ишлаб чиқариш (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 160-сатр;  
ДЗ – дебиторлар (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 210-сатр;  
DC – пул маблағлари жами (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 320-сатр;  
TO – жорий мажбуриятлар жами (хисобот даври охири). баланс пассивининг II бўлим 600-сатр.

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан кам қийматга эга бўлса, корхона ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

2) Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти - ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, корхона мулқорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$HCOC = ИСС - ЗУ + ДО - ДА$$

Бунда:

ИСС – ўз маблағлари манбалари жами (хисобот даври охири), баланс пассивининг I бўлим 480-сатр;  
ЗУ – таъсисчиларнинг устав капиталига улушлари бўйича карзи (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 290-сатр;  
ДО – узок муддатли мажбуриятлар жами (хисобот даври охири), баланс пассивининг II бўлим 490-сатр;  
ДА – узок муддатли активлар жами (хисобот даври охири), баланс активининг I бўлим 130-сатр;

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ижобий ( $HCOC > 0$ ) кўрсаткични хосил қиласа, у холда корхона ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланган деб ҳисобланади.

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) раҳбарини имзоси:

Талабгорнинг (агар консорциум бўлса, етакчи корхонанинг) мухри:

Тузилган сана: 2021 йил «\_\_\_\_\_»

## 4-ИЛОВА

### Дастлабки малакани аниқлаш босқичида талабгорларнинг малакасини баҳолаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар РҮЙХАТИ

#### 4А. Юридик ҳужжатлар:

- 1) Юридик шахс рүйхатдан үтгандыгы түғрисида гувохнома;
- 2) Юридик шахс низомининг нусхасини. Талабгор консорциум шаклида иштирок этган ҳолларда (Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 53-боби бўйича юридик шахс бўлмаган оддий шериклик) низомнинг нусхалари консорциумнинг барча аъзолар томонидан тақдим этилади;
- 3) Талаборнинг мол-мулки хатланмаганлиги, банк ҳисоб рақамларга такиқ қўйилмаганлиги, молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилмаганлиги Мажбурий ижро бюро органлари (ёки бошка ваколатли органлари) томонидан тасдиқланган маълумотнома (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 4) Талаборнинг тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги түғрисида талаборнинг кафолат хати (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 5) Талаборни таъсисчиларнинг корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш нияти йўқлигини тасдиқлаш кафолат хати;
- 6) Консорциум (оддий шерикчилик) шаклидаги жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг бирлашмалари танловида иштирок этган тақдирда, унинг иштирокчилари ўз малака талабларини тасдиқлаш учун тендер ҳужжатларнинг 19-бандида белгиланган кўшимча ҳужжатларни тақдим этадилар.

*Изоҳ:*

Талаборлар ўз хоҳишиларига қўра малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи бошқа ҳуқисқатларни ҳам тақдим этишилари мүмкин.

#### 4Б. Молиявий ҳужжатлар:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот түғрисидаги қонунчилигига ёки молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган, охирги (ўтган) уч тўлик молиявий йил учун молиявий ҳисботлар (Ф-1 ва Ф-2 шакллар ва бюджетга тўловлар ҳакида маълумот), мансабдор шахсларнинг муҳри ва имзоси билан ҳамда Давлат солик инспекция электрон тизимига топширилганлиги туғрисида тасдиқловчи ҳужжат билан;
- 2) Талабгорнинг асосий ва иккиласмчи банк ҳисоб рақамларида пул мавжудлигини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи банк хати (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал холатига*);
- 3) Талабгорнинг мулк ҳуқуқини ҳамда кўчмас ва кўчар мулкнинг қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар («Мулкий рўйхатни») нусхарлари (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал холатига*);
- 4) Талабгорнинг картотека №2, банк ссудалари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжудлиги/йўклиги, талаб қилиб олингунча миллӣ ва хорижий валютадаги асосий ва иккиласмчи банк ҳисоб рақамлардаги маблағлар қолдиги, ҳамда улар бўйича сўнгги 2 йиллик айланмалар (оборот) ҳакида хизмат кўрсатувчи банклардан Маълумотномалар (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал холатига*).

Изоҳ:

Тендер ташкилотчиси (ёки тендер комиссия ва уни баҳолаш учун жалб қилинган ваколатли шахслари) дастлабки малакалаши босқичида тақдим этилган талабгорларнинг маълумотларни ва ҳужжасатларни ишончлагини ва тўғри эканлигини текшириши мақсадида, заруратга кўра қўшимча маълумотларни ва ҳужжасатларни талаб этишига ҳақли ҳисобланади. Талабгорлар томонидан юридик ёки молиявий ҳужжасатлардан бири тақдим этилмаслиги ёки юқорида белгиланган талаблар асосида тақдим этилмаслиги тендер комиссияси томонидан талабгорни дастлабки малакалашдан ўтмаган деб топши ёки дискалификация қилиши учун сабаб бўлиши мумкин.

## Дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш мезонлари

Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари	Вазн ва максимал балл
<p><b>А) Талабгорниң санитар тозалиш соҳага оид маҳсус тажрибаси (юқоридаги З-илова «А-банди», 1, 2 ва 3-жадваллар):</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Санитар тозалаш соҳасидаги хизматлар тажрибаси, шу жумладан маший чиқиндиларни түплаш ва олиб чиқиш; маший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш: санитар полигонларда чиқиндиларни саклаш ва утилизация қилиш (3 йил ва ундан ортиқ тажрибага максимал 20 балл; 1 йилдан 3 йилгача 10 балл, 1 йилдан кам тажрибага 5 балл; умуман тажрибага эга бўлмаган корхонага 0 балл).</li> </ul>	20
<p><b>Б) Талабгорниң асосий мутахассислар малакаси (юқоридаги З-илова «Б-банди»):</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Корхона раҳбари – 8 балл</li> <li>Транспорт соҳасидаги мухандис – 6 балл</li> <li>Транспорт соҳасидаги иқтисодчи – 6 балл</li> </ul> <p>Бунда айнан кўрсатилган ҳодимнинг уибу мутахассислик стажига қараб баҳоланаади. Юқорида айтилган ҳар бир асосий мутахассис қўйидағича баҳоланаади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ умумий малака (маълумоти): олий (40%), ўрта-маҳсус (20%) ва ўрта (10%);</li> <li>✓ санитар тозалаш соҳасида ёки лавозим мутахассислигига оид маҳсус тажриба: 3 йил ва ундан ортиқ (60%), 1 йилдан 3 йилгача (40%), 1 йилдан кам стаж (20%), соҳага оид иши стажи мавжуд бўлмаган ҳолларда 0 балл берилади</li> </ul>	20
<p><b>В) Талабгорниң молиявий аҳволи (юқоридаги 4-илова «Б-банди»):</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Охирги йиллик молиявий хисобот бўйича кўрилган соф фойда кўрсаткичи (Ф-2 шакл)</li> </ul> <p>Бунда 10 балл тендер шитирокчилари сонига бўлинади ва шитирокчиларни оладиган баллари улуши аниқланади, энг юқори кўрсаткич эгаси максимал баллни олади. қолган шитирокчилар кўрсаткичлари бўйича камайтирилган балл эгасига айланади. Бунда соф фойда молиявий хисоботда акс этмаган шитирокчига балл берilmайди.</p> <p><i>Мисол: Иштирокчилар сони 5 та бўлганда (<math>10/5=2</math>). Юқори кўрсаткич 10 балл, иккинчи яхши кўрсаткич эгаси 8 балл, учинчи яхши кўрсаткич 6 балл, тўртинчи кўрсаткич 4 балл ва охирги ижобий кўрсаткич эгаси 2 баллга эга бўлади.</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Охирги йиллик молиявий хисоботи бўйича коплаш коэффиценти (тўловга қодирлик) бўйича (энг юқори – 10 балл, меъёрдан баланд 5 балл, меъёрдан паст – 0 балл). (юқоридаги З-илова «В-банди 1-қисми»)</li> </ul>	10

<b>Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари</b>	<b>Вазн ва максимал балл</b>
<p>Бунда энг юқори кўрсаткич тендер иштирокчиси максимал баллга, қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) меъёрдан паст бўлган иштирокчилар максимал баллнинг 50% миқдорига, қоплаш коэффициенти меъёрдан паст бўлган кўрсаткич иштирокчиси 0 баллга эга бўлади.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Уз айланма маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичи бўйича (юқоридаги 3-илова «В-банди 2-қисми»)</li> </ul> <p>Бунда 10 балл тендер иштирокчилари сонига бўлинади ва иштирокчиларни оладиган баллари улуши аниқланади, энг юқори кўрсаткич эгаси максимал баллни олади, қолган иштирокчилар кўрсаткичлари бўйича камайтиришган балл эгасига сіланади. Ижобий кўрсаткичга эга бўлмаган иштирокчига балл берилмайди.</p> <p><b>Г) Талабгорниң юридик ахволи (юқоридаги 4-илова «А-банди»):</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабгорниң мол-мулки хатланмаганлиги, хисоб рақамларга тақиқ қўйилмаганлиги, молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилмаганлиги ҳақида тегишли органлардан тасдиқловчи маълумотномалар тақдим этилган тақдирда 10 балл, ушбу маълумотномаларнинг барчаси ёки биронтаси мавжуд бўлмаган тақдирда ёки маълумотномаларда мол-мулки хатланган ва (ёки) хисоб рақамларга тақиқ қўйилган ва/ёки молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилганлиги кўрсатилганда балл берилмайди);</li> <li>• Ишлаб чиқариш бинолари (автогараж), чиқинди ташиш техникаси, ускуналар, машиналар ва механизмларнинг мавжудлиги ҳақида маълумотномалар (тасдиқловчи хўжатлар билан бирга) тақдим этилганда 10 балл, ушбу мол-мулқдан биронтаси, яъни автогараж ёки чиқинди ташиш техникаси ёки қолганлари мавжуд бўлмаган тақдирда 5 балл, умуман маълумот тақдим этилмаганда ва (ёки) тақдим этилган маълумотда юқоридаги мол-мулк мавжуд эмаслиги кўрсатилганда 0 балл берилади;</li> <li>• Талабгорниң юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган санасидан бошлаб умумий молиявий-хўжалик фаолияти даври (0 йилдан - 3 йилгача 50%. 3 йилдан - 5 йилгача 75%, 5 йилдан юқори бўлганда 100%)</li> </ul>	10
<b>ЖАМИ</b>	100

Изоҳлар:

Бир босқичли тендерда талабгорниң дастлабки малака баҳолашда тўплаган баллар тендер таклифларини баҳолашда тўплаган балларига қўшилади.

Икки босқичли тендерда дастлабки малака босқичидан муваффакиятли ўтиш учун талабгорлар камида 60 (олтмиш) балл тўплаш лозим. Шундагина талабгорлар иккинчи босқич тендер иштирокчиси сифатида эътироф этилади ва уларга тендер таклифларини тақдим этишга доир сўрови ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойихаси юборилади.